

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 23-oktyabr / CHORSHANBA / № 83-84 (13742-43)



Газетамизнинг бугунги сонида сайловди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан “Биргаликда катта кучмиз!”, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Биз бирмиз, Ўзбекистонликмиз!”, Ўзбекистон Экологик партияси номидан “Бизнинг номзодларимиз мамлакатимиз барча ҳудудларида барқарор ривожланишга эришишни мақсад қилган”, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Халқ демократик партияси ғоя ва ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланмоқда” ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Юзма-юз мулоқотлар хайрихоҳларимиз сафини кенгайтирмоқда” сарлавҳали мақолалари уларга ажратилган бепул нашр майдони доирасида чоп этилмоқда.

2-3-4-саҳифаларга қаранг.

Президент ташрифидан сўнг

ПИСКЕНТДА дув-дув гап...



ер деҳқончилиги учун 57 минг аҳолига берилган эди. Бу йил ҳам Тошкент вилоятидаги оилаларга деҳқончилик ва боғдорчилик учун қўшимча 5 минг гектар ер берилди. Умуман, вилоятни боғдорчиликда намунали ҳудуд қилиб, экспортни 300 миллион долларга етказиш бўйича барча имкониятлар бор. Ҳамма гап ўзимизда қолган.

Эшитдингизми, Пискент туманининг “Мингтепа” деган маҳалласида томорқачилар ердан йилга беш марта ҳосил олишаркан! Ҳа, ишонингиз! Бу шунчаки гап бўлганида туман ҳокими Музаффар Арипов уни шахсан Президент иштирокидаги йиғилишда айтганидир!

“МИНГТЕПА”НИНГ БЕШ ҲОСИЛИ
Ҳар ҳудуднинг ўзигагина хос табиати, иқлими борки, уша ерда етиштирилган тансиқ мевалар туфайли жой номи юрда овоза бўлиб кетади, эл оғзига тушади. Дашнобод ва Қувани анорлари танитган. Наманганни аштархон олмалари, Олтиариқни серсус турплари-ю, мазали бодринглари машҳур қилган.
Бу жиҳатдан Пискентнинг “Мингтепа” маҳалласида яшайдиганларга кўпчилигининг ҳаваси келади. Чунки Фармонбиби етти келини билан ҳам бемалол яшаса бўладиган кенг ховлиларнинг қай бирига кирманг, пешонангиз ҳар шингил пақирдай-пақирдай келадиган узумларга тегиб кетиши аниқ.

(Давоми 6-саҳифада)

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 14-15 октябрь кунлари бунёдкорлик ишлари, аҳоли ҳаёти ва янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг қатор туманларида бўлди.



Ташриф сўнгидан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудудда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш юзасидан келгуси вазифалар муҳофазасига доир катта йиғилиш бўлиб ўтди.
Танқидий-тахлилий руҳда ўтган йиғилишда бир неча туман ва шаҳар ҳокимларининг кун тартибидан масалаларга доир ҳисоботлари эшитилди. Ҳаққоний эътирозлар ҳам, жўяли таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Дарҳақиқат, Тошкент вилояти Яратганнинг ўзи ярлақан ҳудуд. Ери ва суви мул. Ишнинг кўзини билладиган, қилни қирқ ёрадиган омиликор инсонлар кўп бу воҳода. Лекин бир гектар ердан олинаётган реал даромад бошқа ҳудудлардан, айтайлик, водий вилоятлариникидан кам.
Хўш, ана шундай муаммоларга ечим топмоқ учун қандай чоралар кўрмоқ керак? Сўнгги уч йилда вилоятдаги 21 минг гектар



Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси раиси Улуғбек Тўхтаев Брифинг иштирокида брифинг ташкил этилди. Унда мамлакатимизда жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини юқори савияда ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗ!

Таъкидланганидек, “Менинг танловим — обод Ватаним!” широри остида ўтадиган сиёсий кампания ҳудуд бўйлаб миллий сайлов қонунчилигимиз доирасида очик, ошкора ташкил этилади.
Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига Тошкент вилоятида бир мандатли 7 та сайлов округи тузилган ҳамда Республика партия Кенгашлари томонидан 35 нафар номзод кўрсатилган. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига 60 та сайлов округи тузилди. Уларга 5 та партиядан 300 нафар номзод кўрсатилди. Шаҳар-туманларда депутатлик ўринларига жами 530

та ўрин белгиланган бўлиб, тўлиқ номзодлар тақдим этилди. Ҳудудда 1 минг 6 та сайлов участкаси тузилди.
Сайлов участкаларининг 624 таси мактабларда, 35 таси касб-хунар мактаблари ва техникумларда, 99 таси маҳалла биноларида, 51 таси тиббиёт, санаторий, дам олиш масканларида, 72 таси давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда, 54 таси маданият ва спорт марказларида, 29 таси ҳарбий қисм ва озодликдан маҳрум этиш муассасаларида, 13 таси олий ўқув юртлири, 8 таси Адлия бўлими, 21 таси эса тадбиркорлик субъекти биноларида жойлашган.

(Давоми 4-саҳифада)

Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти жамоаси Ҳиндистоннинг Куллу шаҳрида ўтказилаётган “Kullu Dussehra – 2024” халқаро фестивалида муносиб иштирок этди. Фестивалда дунёнинг 27 давлатидан келган санъат аҳли миллий куй-қўшиқларини намойиш этишди.

БўКА туманида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вилоят бошқармаси томонидан дала ўқув-семинари ўтказилди.

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими “Файзобод” маҳалласида бўлиб, ички кўчаларни тартибга келтириш юзасидан масъулларга топшириқ берди. Айни пайтда махсус техникалар жалб қилиниб, маҳалланинг Чустий номидаги кўчасига шағал ётқизилди.

ОҚҚЎРҒОН тумани маҳаллаларида аҳолининг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, миграциядагилар билан манзилли ишлаш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳолатини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.

ҚЎЙИ ЧИРЧИҚ туманининг 3-сектор ҳудудидаги “Аёллар дафтари”да турувчи 1-2-гуруҳ ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – САЛОМАТЛИКНИНГ ФАРЗИ

Бугун мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар, янгиланишларнинг туб моҳиятига эътибор берсак, уларнинг барчаси миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда узоқ умр кўриш даражасини ошириш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этганига гу-

воҳ бўлаемиз. “Биз Янги Ўзбекистонда инсон қадр ва манфаатларини таъминлашни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу йўлда халқимиз саломатлигини мустақамлаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши лозим”, – деган эди давлатимиз раҳбари Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан йўллаган табригида.

“Тошкент ҳақиқати” минбари



Дарҳақиқат, юртимиз тараққиёт ва ривожланишининг янги босқичига қадам қўяётганини бугун ҳар биримиз кўриб, кузатиб турибмиз. Тиббиёт соҳаси мисолида оладиган бўлсак, мазкур йўналишда дунёнинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши натижасида тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланди.
Хусусан, сўнгги йилларда Тошкент вилояти тиббиёт тизимида аҳолига сифатли тиббий хизмат

кўрсатишни таъминлаш бўйича қатор янгиланган амалга оширилмоқда. Жумладан, илгари айрим ҳудудларда оилавий поликлиникалар йўқ, аҳоли шифокор кўригидан ўтиш учун бир неча чақирим масофа босишига тўғри келарди. Ана шу нуқулайликларни бартараф этиш мақсадида вилоятда “Бир қадам” тамойили асосида 2017-2024 йиллар давомида 82 та оилавий шифокорлик пункти, 96 та оилавий поликлиника, 118 та маҳаллий тиббиёт пунктлари ташкил этилди. Натижада 892 минг

нафар аҳоли бирламчи профилактик тиббий хизматдан фойдаланиш учун узоқ йўл босишига ҳолат қолмади.
Сир эмаски, ҳозирда иқлим ўзгариши сабабли кўплаб мамлакатларда юқумли касалликлар аниқланмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, вилоят аҳолиси орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида скрининг текширувлари мунтазам ташкил этиб борилаётган.

(Давоми 5-саҳифада)



Тўрақул АРЗИҚУЛОВ, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори

Ҳурматли газетхон!

“Тошкент ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.

Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслақдош бўлишга кафолат берамиз!

Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!

Нашр кўрсаткичи – 205.

Обуна – 2025

O'zLiDeP tomonidan saylov arafasida tashkil etilgan tarqibot tadbiirlarida bu da'vat qayta-qayta yangramoqda. Elektorat vakillari mazkur shior zaмирида тараққийетни тезлаштирувчи омилларни тўлиқ қамраб олган маъно-мазмун мужассамлигини тобора теранроқ англашяпти.

БИРГАЛИКДА КАТТА КУЧМИЗ!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов кунига оз муддат қолди. Партияларнинг ташвиқотлари ҳам шу кунларда қизғин паллага кирди.

Хуш, 1 миллион 600 мингдан зиёд аъзоси бўлган O'zLiDePнинг сайловолди тарғибот тадбирлари қандай кечмоқда? Электрат вакилларининг 46 фоизини аёллар, 48 фоизини ёшлар ташкил қиладиган либерал-демократлар сайловчилар ишончини қозониш учун қандай ташаббусларни илгари сурмоқда ва қандай янги усуллардан фойдаланмоқда?

Қуйида ана шу саволларга жавоб бўладиган саъй-ҳаракатларга ҳолисона назар ташлаймиз.

Уз гоа ва дастурларини аҳоли орасида кенг ёйиш мақсадида O'zLiDeP бу йилги сайловга ҳам ҳар галгидек янги ҳақиқат услубларда ёндашмоқда. Танланган стратегия доирасида одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, уйма-уй юриб, миллионлаб фуқаро билан мулоқот қилиш, ҳар бир сайловчига партия гоаяларини етказиш осон иш эмас.

Шу кунгача фаоллар ва волонтерлар гуруҳи режага мувофиқ икки миллиондан ортиқ хонадонга кириб-чиқишга улгуришди. Шунингдек, велосипед ва махсус овоз кучайтиргичлар (рупер) ёрдамида партиянинг асосий мақсад ва гоаялари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, O'zLiDeP партиялараро дебатларда ҳам дадил қатнашмоқда. Сайловчилар билан учрашувлар, номзодларнинг ташкилот ва идоралардаги мулоқотлари ҳам жонли тарзда кечмоқда.

Умуман олганда, O'zLiDeP бу галги сайлов кампаниясида кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда оммавий тадбирларни ҳамда асосий электрат қатлами вакиллари билан учрашувларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Фаргона шаҳридаги Исло Каримов номидаги театр-концерт саройи майдонида "Эркин ва фарон, қудратли янги Ўзбекистонни биргаликда қураимиз!" шiori остида ташкил этилган оммавий тарғибот тадбири хусусида ижтимоий тармоқда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди.

Сабаби, ёмғирли об-ҳаво бўлишига қарамай, икки мингдан зиёд сайловчилар — тадбирқору фермерлар, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимлари, маданият ва санъат тизими вакиллари партия таклифларини диққат билан эшитишди.

Шунингдек, Нукус шаҳрининг "Дўстлик боғи"даги тарғибот тадбири ҳам сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот шаклида, юқори кайфиятда ўтди.

Очиқ осмон остидаги оммавий тадбирларда таъкидланганидек, партия 2030 йилга бориб, ялпи ички махсулот ҳажмини 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадини эса 4 минг долларга етказиш, тадбирқорлар сонини 3 миллион нафардан ошириш учун барча зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, касб-хунарга ўқитиш кўламини ҳар йили икки баравар ошириб, беш йилда камида 1 миллион фуқарога касб ўргатиш, барча туман ва шаҳарларда мономарказлар ташкил қилиш, давлат томонидан мактаб битирувчиларининг камида бир касбини эгаллашга қумаклашувчи тизим жорий этиш каби масалалар ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

O'zLiDeP мамлакатимиздаги барча соҳаларнинг бирдек ривожланишидан манфаатдордир. Бу каби эзгу мақсадлар йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бугун виртуал макон ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олгани ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда каттаю-кичик ҳам рақамли технологиялар ва мобиль иловалардан фойдаланишни билади. Электрон қулайликлар кўламини тобора кенгайиб бораётгани ҳам рост.

O'zLiDeP мутасаддиларининг Самарқанд вилоятида жойлашган "Ургут иқтисодий зонаси"да йирик компания раҳбарлари, инвесторлар билан ўтказган учрашувда айни мавзуда сўз юритилгани электратнинг диққатини жалб қилди.

Рақамли технологияларга иختисослашган корхоналарнинг экспорт фаолиятини жадаллаштириш, "чип санаоти", сунъий интеллект, нанотехнологиялар каби илгор тармоқларни ривожлантириш партиянинг келгуси беш йилликдаги энг устувор вазифасига айланади. Шунингдек, санаотда таннархни камайтириш, махсус санаот зоналарини хорижий компанияларга аутсорсинг асосида бошқарувга бериш, автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 1 миллион донага етказиш чоралари кўрилади. Ўзбекистоннинг минтақавий "тўқимачилик хаби"-га айлантириш учун соҳадagi тадбирқорларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда хизматлар экспортини ошириш учун "мактаб — олийгоҳ — IT компанияси"дан иборат яхлит "IT таълим" ва хизматлар занжири яратилади.

Тошкент вилоятидаги "Astrum" IT академиясида мутахассислар, маркетинг соҳаси вакиллари, ёшлар



билан ўтказилган O'zLiDePнинг сайловолди ташвиқоти Ургутдаги қизикарли суҳбатнинг тадрижий давоми бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Учрашувда партия ёшлар бандлиги ва ишбилармонлиги, хусусан, ишсиз ёшларни замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, корхоналар бюортмаси асосида касбга тайёрлаш амалиётини жорий қилиш тарафдори экани қайд этилди.

Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда "Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази"нинг ташкил этилиши ва мазкур марказлар ёшлар учун чинакам "лойиҳалар фабрикаси"га айланиши маълум қилинди.

АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ "МАҲАЛЛАБАЙ" ДАСТУРЛАРИ

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги "Парвоз Хумо Равнақ Транс" ва Наманган вилояти Давлатобод туманидаги "Кўксарой" корхоналарида ташкил этилган сайловолди тарғиботи тадбирларида ҳам партия электратининг асосий қатламини ташкил этувчи тадбирқорлар, ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда аграр соҳа ходимлари фаол иштирок этди.

Аҳолини тадбирқорликка жалб қилишнинг "маҳаллабай" дастурларини ишлаб чиқиш партия олдида турган энг муҳим мақсадлардан бири экани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, оилавий тадбирқорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ҳажмларини ҳар йили 30 фоиға ошириб бориш, ижтимоий тадбирқорликни янада рағбатлантириш, ижтимоий химояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаб келаётган тадбирқорларга мол-мулк ва ер солигидан имтиёзлар бериш ҳам O'zLiDePнинг сайловолди таклифлари сирасига киради.

Ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратиш, бандликни молиявий кўллаб-қувватлаш манбаларини кенгайтириш, жумладан, хусусий бандлик агентликларини тизимини ривожлантириш масалалари электрат манфаатларини химоялашда зарур қадам бўлади.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАЛАР ҲАМ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА БУЛАДИ

Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги "Китоблар олами" марказида ёзуви ва шoirлар, китоб наشري ва босма соҳасида фаолият юритаётган тадбирқорлар, китобхон ёшлар вакиллари билан партия номзодларининг учрашуви ҳам самимий руҳда кечди.

Учрашувда O'zLiDeP тадбирқорлар ва ишбилармонлар манфаатларини химоя қиладиган энг йирик сиёсий куч сифатида хусусий сектордаги наشريётлар фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши айтиб ўтилди. Жумладан, бизнес юриштиши янада соддалаштириш, мингга яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, лицензиялар сонини икки баравар камайтириш, лицензия бекор бўладиган 60 та фаолият учун хабардор қилиш тизимини жорий этиш партиянинг кейинги беш йилликдаги устувор вазифаларидир. Шунингдек, солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбирқорлар учун солиқ тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш каби вазифалар ҳам матбаа соҳасида фаолият юритаётган тадбирқорларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Хоразм вилоятининг Тупроққалъа тумани "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ва "Uzavtomotors" акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган учрашувларда партиянинг иқтисодий йўналишдаги мақсад ва вазифалари, Андижон давлат тиббиёт институтида эса шифокорлар ва ёш мутахассислар билан тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид таклиф ва ташаббуслари ҳақида сўз борди.

Умуман олганда, учрашувларда партия сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар, мақсад ва гоаялар ҳалқчил, оддий, содда тилда етказилапти. Сайловчилар партия гоаялари ва ташаббусларига ўзларининг муносабатларини билдириб, сайловда партия ва унинг номзодларини кўллаб-қувватлашларини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққийети йўлидаги бу муҳим паплада, Сиз, азиз сайловчилар қабул қиладиган қарорлар келажакимизни белгилайди. Зеро, O'zLiDeP адолатли ва фарон жамият қуриш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ҳар бир фуқаронинг манфаатларини химоя қилишга бўлган содиқлигини амалда исботлаган.

Биргаликда кучмиз!
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ахборот хизмати

"БИЗ БИРМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ!"

Одимлаётган ҳар бир кун бизни 27 октябрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловларга яқинлаштирмоқда. Бу жараёнда "Қадриятларга таянган тараққийет" шiorига амал қиладиган "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам парламента ва маҳаллий кенгашларда энг кўп ўринларни эгаллаш учун курашмоқда.

Таъкидлаш лозимки, партия томонидан ташкил қилинётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида барча номзодлар фаол иштирок этиб, партия ва ўзларининг сайловолди дастурларини кенг тарғиб қилмоқда. Айниқса, бундай тадбирларда нафақат электрат, балки партиянинг гоа ва мақсадларига хайрихоҳ бўлган кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Жумладан, шу кунгача партиянинг 38 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда қарийб 1 миллион 500 мингга яқин сайловчи иштирок этди.

"МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" НИМА УЧУН "ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ" ГОЯСИНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДА?

Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдонида ўтказилган оммавий тарғибот тадбирида партия томонидан "Қадриятларга таянган тараққийет" гоаяси бежиз илгари сурилмаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда бутун дунёда тараққийетга эришиш ва фарон жамият барпо этиш масаласи аксарият давлатларнинг кун тартибидagi асосий масалага айланди. Бироқ шуни тан олиш керакики, иқтисодий фаронлиқ ўз-ўзидан жамият бахти ва барқарорлигини таъминлай олмайди. Инсонларнинг ҳаётини маънавий мезонлар ва қадриятларнинг аҳамияти ҳам катта ўрин тутди. Айниқса, кўп асрлик анъаналар ва миллимизнинг маънавий мероси халқимизнинг келажак учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод, Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори Гулчехра Рихсиева дастурда бугун замонамизнинг долзарб масаласига айланган тарбия ва таълим соҳасини ривожлантиришга, бу борада мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш бўйича илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар ҳақида фикр билдирди.

Улар орасида энг муҳими "Янги авлод педагогларини тайёрлаш Давлат дастури"ни қабул қилиш ташаббусидир. Чунки сўнгги йилларда ушбу дастурнинг кераклигини ҳар кун ҳис қиляпти. Бугун фарзандларимиз умуман янги ҳақида даврга яшаяпти ва педагогларимиз ҳам келажакимиз эгаларига мос бўлиши лозим. Шу боис, янги авлод педагогларини тайёрлаш ва ўқитувчилик касбининг жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга биринчи даражали вазифа сифатида қараш зарур.

Гулчехра Рихсиева:

— Шундан келиб чиқиб, барчангиздан ушбу ташаббусни кўллаб-қувватлаган ҳолда, фарзандларимизнинг келажакини ўйлаган юртдошларимизни 27 октябрда бўладиган сайловларда "Миллий тикланиш" ва унинг номзодларига овоз беришга чақираман.

Қўйи палатага кўрсатилган яна бир номзод, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Назира Мухторованинг чиқиши ҳам сайловчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Партия "Маърифатли она — қудратли миллат" таъминлига асосан хотин-қизларга оид сиёсатини янги босқичга олиб чиқмоқда. Яъни, аёллар келажакимиз бунёдқорлари бўлган болаларни дунёга келтирувчи ва уларнинг тарбиячилари бўлиши баробарида давлат ва жамият бошқарувида фаол эканликларидан келиб чиқиб, дастурда муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Улардан энг муҳими фарзанд кўрган аёлларга бола уч ёшга тўлганга қадар ҳақ тўланадиган "Оналик таътили" бериш тизимини жорий қилиш таклифидир.

Назира Мухторова:

— Агар сиз фарзандим меҳрли, тарбияли, келажакда юртимизга садоқатли фарзанд бўлиб вояга етишини истасангиз "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

ПАРТИЯМИЗНИНГ ҲАЁТИЙ ТАШБУСУЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИМИЗГА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

"Биз бирмиз, Ўзбекистонликмиз!" шiori остида Бухоро шаҳрида навабдаги оммавий тадбир учун катта тайёргарлик кўрилди. Маълумки, бир неча минг йиллик тарихга эга азим шаҳар ахли хайратлар ичида яшайди, 200 дан ортиқ қадимий обидалар, осориатикалари билан бутун дунёни лол қолдириб келаётган воҳа ахли партиянинг ташаббуси ва гоаяларини олқишлар билан кутиб олишди. Уч мингга яқин сайловчилар иштирок этган тадбирда номзодлар сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтиришди ва барчани сайловларда фаол иштирок этишга ҳамда "Миллий тикланиш" ва унинг номзодларига овоз беришга чақирдишди.

Оммавий тадбирда партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров сўзга чиқиб, бугун сайловчиларга куруқ ваъдалар эмас, аниқ, лўнда таклиф ва ташаббуслар, эртанимизга хизмат қиладиган гоаялар кераклигини, юзак бахслар, тортишувлар эмас, чин юракдан, Ватан, миллат манфаати йўлида айтиладиган оддий ва содда гаплар кераклигини таъкидлади.



Феруза МУҲАММЕДЖАНОВА, Марказий кенгаш раиси ўринбосари:
— Бир донишманд агар ўғлини ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, қизингни ўқитсанг, бутун жамиятни ўқитган бўласан, деган экан. Аммо айрим талаба оналар боласига қаровчи йўқлиги сабаб, ўқитиш давом эттира олмаяпти. Шундан келиб чиқиб, партиямиз дастурида талаба оналарнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларида махсус болалар хоналари ёки боғчалар ташкил этиш таклифи илгари сурилмоқда.



Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партия томонидан давлат бошқаруви ҳамда қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими бўйича ҳам бир қатор ташаббуслар илгари сурилган. Айниқса, нодавлат ношароит ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ролини ошириш зарур. Токи улар фақат бу илгарага қарши тарғибот билан чекланиб қолмай, коррупцион ҳолатларни керак бўлса давлат органларидан ҳам олдинроқ таҳлил қилиш ва фош этишга қодир бўлсинлар.

ХУНАРМАНДЛАР ТАДБИРКОР ЭМАС, ҚАДРИЯТЛАР ТАШУВЧИСИДИР!

Шаҳрихон туманидаги хунармандлар марказида электрат вакиллари билан учрашув ҳар қачонгидан ҳам сермазмун ўтди. Халқ амалий санъати намуналарини яратётган уста хунармандлар, халқ оғзаки ижодини давом эттириб келаётган санъат вакиллари билан учрашув кизгин савол-жавобларга бой бўлди. Партиянинг сайловолди дастурида қадриятларимизни борица асрашга, авлоддан-авлодга ўтишига хизмат қиладиган уста-хунармандларнинг фаолияти билан боғлиқ ташаббус ҳам илгари сурилган. Жумладан, соҳа вакиллари дастурдаги "Хунармандчилик фаолияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш таклифини кўллаб-қувватладилар.

Партия ёш авлодни хунармандчилик ва халқ амалий санъатига бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг бу фаолият билан шуғулланишларини рағбатлантириш жуда зарур деб ҳисоблайди. Сабаби, партия хунармандларга тадбирқор сифатида эмас, қадриятларини ташуви сифатида қарайди. Шундан келиб чиқиб, улар учун имкониятларни янада кенгайтириш ва кўллаб-қувватлашни асосий вазифа деб билади.

Толиб АХМЕДОВ, хунарманд:

— Мен 30 йилдан бери ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаман. Шу хунар билан оила тебратаман ва бу бизга отамерос. Бу соҳани давом эттираётган учинчи авлод вақилиман. Ҳақиқатдан, хунармандлар кўллаб-қувватланса, уларнинг фаолияти оммалашши учун имконият яратилса, ёшларимизнинг қизиқишлари ҳам янада ошарди. Соҳа ривожига имконият яратиш орқали ҳам иқтисодиёт, ҳам туризмни ривожлантирамиз, ҳам қадриятларимизни давом эттираемиз. Мен партиянинг фаолиятимиз билан боғлиқ таклифларини кўллаб-қувватлайман.

Мақсадимиз — биргаликда инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга йўналтирилган — Янги Ўзбекистонни барпо этишдир. Бугун барчамиз халқни рози қилиш, келажакда эмас, одамларга бугун қулай шароитлар яратиш мақсадида айланган кунларда яшаяптимиз. Бош мақсадимиз — "Қудратли давлатга таянган, қонунлар миллий ва умуминсоний қадриятларга уйғун, инсон қадрини баланд, фарон жамият қуриш"дир.

Шубҳасиз, бу галги сайловлар ҳар доимгиданда кучли рақобат муҳитида ўтмоқда. Бу йўлда салмоқли натижаларга эришиб, парламента ва маҳаллий кенгашларда энг кўп ўринларни эгаллаш — партиянинг энг асосий мақсадиридир.

Албатта, бунда сиз сайловчиларнинг овози биз учун муҳимдир. 27 октябрда ўтадиган сайловларда "Миллий тикланиш" партияси ва унинг номзодларига овоз беринг.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ахборот хизмати

Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ҳамда ҳар бир фуқаро учун зарур ва аҳамиятли бўлган муҳим масалалар ўрин олган. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ерларни ва ичимлик суви манбаларини асраш, мавжуд экологик вазиятни англаган ҳолда муаммоларга ечим топиш, ҳар бир хонадонга тоза ичимлик суви кириб боришини таъминлаш борасида айнан Ўзбекистон Экологик партияси сайловолди дастурида бир қатор ташаббус ва таклифлар илгари сурилаётганини барча сайловчилар катта қизиқиш ва эътибор билан қарши олишмоқда.

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН

Учрашувлар қизгин савол-жавобларга бой тарзда, барча сайловчиларнинг фаоллигида ўтаётгани аҳолининг Ўзбекистон Экологик партияси сайловолди дастурига ва унинг номзодларига бефарқ эмаслигидан дарак беради.

Қорақалпоғистон Республикаси. «Табиат учун бирлашайлик!» шiori остида Эллиқалъа туманида ўтказилган сайловолди учрашувида **Оролбўйи минтақаси аҳолисининг қўлай атроф-муҳит шароитларини янада яхшилаш** борасидаги долзарб масалалар хусусида тўхталиб ўтилди.

Учрашувда сўзда чиққан Экопартия раҳбари Абдушукур Ҳамзаев партия сайловолди дастуридаги Оролбўйи минтақасининг экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолига қўлай яшаш шароитини яратиш, **Орол фожияси оқибатларини юмшатишга** қаратилган таклиф ва ташаббусларни атрофлича тушунтирди.

Мамлакатнинг **иқлим «юки» мониторингини** ва **иқлим ҳисобини юритиб бориш** механизмларини жорий этиш, иқлим ўзгаришларига чидамли янги нав ва зотларни яратишни рағбатлантириш, ушбу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, **экоцизмдаги йўқотишлар ва зарарларни қоплаш учун махсус жамғарма** ташкил этиш каби ташаббуслар алоҳида қайд этилди.

Сапаргул УТЕМУРОВА,
1-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

– Ўзбекистон Экологик партияси илгари сураётган таклифларнинг барчаси муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, ўзимнинг сайловолди дастурига киритган масалаларга юрдошларимнинг бефарқ эмаслиги ва қўллаб-қувватлаётганларидан хурсандман.

Ҳоразм вилояти. Урганч шаҳрида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашув ҳам қизгин савол-жавобларга бой бўлди. **Вилоятнинг ноёб табиатини асраш**, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш, кўм бўронлари таъсирини камайтириш учун **“яшил белбоғ”лар барпо этиш** каби кўпжа мақсадлар Ўзбекистон Экологик партияси сайловолди дастурида кўзда тутилгани сайловчиларнинг аниқ дилдаги гап бўлди.

Андижон вилояти. Ушбу ҳудуд бугунги кунда нафақат фан ва таълим, санъат соҳаси учун чинакам намоёндалар етиштириб бераётгани, балки мамлакат санъати, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик соҳалари ривожига катта ҳисса қўшаётган фидокор фарзандлари билан ҳам танилган.

Андижонлик сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда шулар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ўзбекистон Экологик партияси сайловолди дастурида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, мазкур йўналишда қандай катта мақсадлар кўзда тутилганлиги атрофлича таҳлил қилинди. **Партияимиздан кўрсатилган номзодлар дастурининг асосий йўналишлари андижонлик сайловчилар томонидан алоҳида эътироф этилди.**

Наврўзбек ЮСУПОВ,
9-Андижон вилояти сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

– Сайловолди дастурида **2030 йилга қадар йирик шаҳарларда йўловчиларнинг велосипедда ҳаракатланиш улушини 20 фоизга** етказиш, атроф-муҳитга зарар етказиш ҳисобига олинган **энергия улушини камида 25 фоизга қисқартириш**, sanoatда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш орқали **энергия сарфини 50 фоизга қисқартириш**. Шунингдек, энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия манбалари улушини **икки карра ошириш** каби ҳаётий мақсадлар андижонлик юрдошларимизнинг қизиқиш ва эътиборини қозонмоқда. Чунки аҳоли зич жойлашган ҳудуд учун бу масалалар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Сирдарё вилояти. Ўзбекистон Экологик партияси фитосанитария талабларига жавоб бермайдиган, **саломатлик учун жиддий хавф туғдирувчи маҳсулотлар импортини чеклаш** зарур, деб ҳисоблайди. Партиянинг ушбу ташаббуси Сирдарё вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда алоҳида эътироф этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига Сирдарё вилояти округидан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни экологик та-



O'zbekiston Ekologik partiyasi

лабларга тўлиқ мослаштириш, **синтетик гўшт каби озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга қарши курашиш** ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Дилшод БУРАНОВ,
37-Сирдарё вилояти сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

– Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчиларни **иқлим ўзгариши оқибатлари таъсиридан ҳимоя қилиш** ҳамда форс-мажор ҳолатларда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини қайта қўриб чиқиш масаласи партия эътиборидаги асосий вазифалардан. Биз шу йўл билан экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотиغا муҳофаза ёрдами кўрсатишни таклиф этмоқдамиз.

Бухоро вилояти. Ромитан туманида Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан учрашувда номзодлар партия ва ўзларининг сайловолди дастуридаги энг муҳим жиҳатлар билан йирилганларни таништиришди.

Темурбек СУВОНОВ,
журналист:
– Ҳар бир экологик қондабузарликлар ва табиатга билмаган ҳолда зарар етказиш ҳолатлари одамларда экологик маданият ва экологик билимлар етарлича шаклланимагани сабабли юзага келмоқда.

Экологик таълимни эса болаларга бошидан ўргатиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги энг тўғри йўл бу, экологик таълим-тарбия орқали ёшларда экологик маданиятини шакллантиришдир.

Навоий вилояти. “Табиат учун бирлашайлик!” шiori остида ўтказилган учрашувда партия фаоллари, экологлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик соҳаси вакиллари, атроф-муҳитга бефарқ бўлмаган ёшлардан иборат **300 га яқин сайловчилар** иштирок этишди.

Самарқанд вилояти. Қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарда партия сайловолди дастуридаги вазифаларни кенг оммага етказиш ва тарғиб қилиш юзасидан **оммавий тадбир** ўтказилди. Партиядан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар, шунингдек, олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотлар вакиллари, экофаоллар, волонтерлар ҳамда маҳаллий аҳолидан иборат **минг нафарга яқин сайловчилар** мажлис оммавий тадбирда иштирок этишди.

Тадбирда партия раиси Абдушукур Ҳамзаев барчани жорий йилнинг 27 октябр куни бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этишга чақирди. Самарқанд шаҳри ер юзининг сайқали ҳисоблангани, унинг халқаро майдонда ҳам тамаддун бешиги сифатида қайд этилиши, вилоятнинг ўзига хос табиати, тупроқ-иқлим шароитига эга экани таъкидланди.

Тошкент шаҳри. Ўзбекистон Экологик партиясининг **шаҳарларда бино ва кўп квартири уйлар курилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилашга оид таклифини пойтахтлик сайловчилар жуда қизгин қарши олишмоқда. Тошкент шаҳрида ўтказилган сайловчилар билан учрашувда шу ва дастуридаги энг муҳим ташаббуслар ҳақида сўз юритилди.

– Очиғини айтиш керак, бугун кўпчилик тартибсиз курилишлардан чарчади. – деди партия раҳбари Абдушукур Ҳамзаев. – Шу туфайли шаҳарда яшил майдонлар ва дарахтлар тобора камайиб кетаётгани пойтахт жамоатчилигининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини ҳаммамиз қўриб турибмиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган учрашувларда аниқ жиҳатлар яққол кўзга ташланди. **«Табиат учун бирлашайлик!»** шiori асосида ўтказилган учрашувларда партияимиз номзодларига савол билан юзланган сайловчилар жумбоқ бўлиб келаётган сўровларга батафсил, аниқ ва ҳаётий мисоллар орқали жавоб олишди.

Ўзбекистон Экологик партияси бугун ҳаётий заруратга айланган ташаббусларни, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барқарор ривожланишга эришишдек эзгу мақсадларни Сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси
Марказий Кенгаши Ахборот хизмати

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИ ФАОЛ Қўллаб-қувватланмоқда

Барчамиз йирик сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар оstonасида турибмиз. Янги Ўзбекистонда илк бор сайловлар янгича, аралаш тизимда бўлиб ўтади.



Мамлакатимизда биринчи ташкил топган, давлатчилигимиз тарихидаги барча сайловларда муносиб қатнашиб келаётган, 700 миңдан ортиқ аъзога эга Халқ демократик партияси кампаниянинг илк кунларидан сайловчилар билан фаол мулоқотга киришди.

Партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига бир мандатли округлар (мажоритар тизим) бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат (пропорционал тизим) бўйича 100 нафар номзодларни кўрсатди. Бунда асосий эътибор номзодларнинг сифат таркибига, хусусан, тажрибали, халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлган, салоҳиятли, билимли, замон билан ҳамнафас номзодларни саралашга қаратилди.

Номзодларнинг 83 нафари (47,4 фоиз) аёллардан иборат бўлиб, барча 175 нафар номзод олий маълумотга эга. Бундан ташқари, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари 5 минг 695 нафар номзодлар кўрсатди, уларнинг 2 минг 415 нафарини (42,4 фоиз) хотин-қизлар ташкил этади.

Халқ демократик партияси ўзининг сайлов стратегияси асосида уйма-уй юриб, 1 миллиондан ортиқ хонадонга кириб чиқини, ҳар бир сайловчи партия ғояларини етказишни, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини олишни мақсад қилган. Бу борада 3,5 мингга яқин йигит-қиз ва фаоллардан иборат волонтерлар гуруҳининг кўмаги катта. Улар бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда барча ҳудудларда партия сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодлар ҳақидаги босма материалларни сайловчиларга етказмоқда.

Партия фаоллари ҳамда партиядан кўрсатилган номзодлар ҳудудларда сайловчилар билан юзма-юз учрашувлар, очик мулоқотлар ташкил қилмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ САМИЙИЙ УЧРАШУВ

Фаол мулоқотлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида ташкил этилди. Нукус давлат педагогика институти филиалида кўтаринки руҳда ўтган учрашувда талабалар билан очик суҳбат бўлди. Партиянинг сайловолди дастури ҳамда ёшларга тааллуқли таклифлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ўзларига дахлдор ташаббуслар билан танишган ёшлар Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Шамурат АМАНБАЕВ, муштақил изланувчи:

– Менга партиянинг сув ресурсларига боғлиқ таклифлари маълум келди. Чунки бизда сув – ҳаётий масала. У билан боғлиқ ҳар қандай таклифни ҳам, ташаббусни ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Сув ресурсларини бозор тамойиллари асосида баҳолаш, уларнинг иқтисодий қийматини аниқлаш ва сувдан фойдаланиш учун тўловларни жорий этиш муҳимдир. Шунингдек, сув хўжалигини молиялаштириш учун халқаро грантлар ва кредитлардан фойдаланиш зарур. Бу сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва бошқаришни таъминлайди.

БИР МАЙДОНДА БИР МАҚСАД САРИ

Очик осмон остида ўтган Сурхондараёдаги оммавий тадбирда минглаб сайловчилар йиғилди. Партия сайловолди дастуридан ўрин олган ғоя ва ташаббусларнинг мазмунини, улар нимага хизмат қилиши одамларга содда ва раvon тилда тушунтириб берилди.

Мулоқотга йиғилганлар партия вакиллари билан дастурдан ўрин олган таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя каби йўналишлардаги баъзи ташаббусларнинг амалга ошиш механизмларини очиб беришни сўрашди. Партия вакиллари сайловчиларнинг ҳар бир саволига бирма-бир жавоб бериб, масаланинг моҳиятини тушунтирди.

Оммавий тадбирда сайловчилар ҳам сўзга чиқиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Робия АБДУРАҲМОНОВА, ўқитувчи:

– Уч нафар фарзандим бор. Очиғини айтсам, мен бундай сайлов билан боғлиқ оммавий тадбирда биринчи марта қатнашман. Бу тадбирда партиянинг дастуридаги таклифларни эшитдим. Шахсан менга оналарнинг бола парварлишига сарфланган вақтини тўлиқ иш стажига қўйиш керак, деган ғоя жуда ёқди.

Бугун эшитган таклифим амалга ошса, кўпчилик аёллар, оналар мамнун бўларди. Чунки оналар фарзанди учун ўздан кечади, умрини уларга бағишлайди. Уша болалар давлат учун хизмат қилади. Кун келиб жамиятга фойдаси терса, бу ота-она меҳнатининг самараси ҳисобланади.

Бу таклиф оналарни эъозлашга, оналикни рағбатлантиришга йўналтирилган, уларнинг фидокорликларини қадрлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Азиза ОЧИЛОВА, талаба:

– Халқ демократик партиясининг сайловолди дастуридаги асосий ғоялар, ташаббуслар ҳақида ҳаётий мисоллар билан маълумот берилди. Бу партиянинг асосий мақсади

жамиятда ижтимоий тенглик ва адолат бўлсин, ҳар бир инсон бахтли яшашга ҳақли бўлгани каби, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамма соҳада тенг ҳимоя қилинсин, деган эзгуликка қаратилганини англадик.

Партиянинг сайловолди дастурига ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун давлат бончалирига ҳар ой тўланадиган тўловдан имтиёзлар бериш таклифи киритилганидан жуда ҳам мамнун бўлдим. Агар бундай оилаларга тўловда энгиллик берилса, биринчи навбатда, ота-оналар хунар ўрганиб, меҳнат қилиб, барқарор даромад топиш, шароитини изга солиш бўйича кенгроқ имкониятга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, болалар назоратсиз қолмайди, таълим-тарбияси ҳам бўш бўлмайди. Кундалик рацион асосида овқатланиш, вақтида ухлаш, умуман, соғлом ўсиши учун ҳам бу оилалар фарзандлари бончаларга бориши керак. ХДПнинг аниқ таклифини жамиятимиз учун жуда ўринли, ҳаётий зарур, деб биламан.

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ЁНМА-ЁН

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги учрашув мазмунан янгича ёндашув ва кенг қамровда ташкил этилди. ХДП етакчилари ҳамда фаоллари пойтахтимидаги мактабга таълим ва умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар, тарбиячи-педагоглар, мураббийлар билан учрашди.

Таъкидланганидек, таълим давлат ва жамият тараққиётининг муҳим асосидир. Энг бебаҳо бойлик ҳисобланган ёш авлод манфаатини таъминлаш учун ушбу соҳага устувор эътибор қаратиш лозим. Зеро, энг истиқболли сармоя таълимга йўналтирилган сармоядир.

Халқ демократик партияси ёшларнинг сифатли таълим олиши тарафдори экани алоҳида қайд этилди. Юртимиздаги ҳар бир бола ҳаётда ва жамиятда ўрин топадиган шахс сифатида шаклланиши учун таълимнинг барча босқичида тенг имкониятлар яратилиши кераклиги айтилди.

Ўз навбатида, йиғилганлар ҳам партиянинг дастуридан ўрин олган таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаб фикр билдиришди.

Наргиза АҲМЕДОВА, ўқитувчи:

– Учрашувда Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурида ижтимоий ислохотларни янги босқичга чиқариш, жумладан, таълим тизимида ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш ғояси ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлдик.

Шахсан менга “Саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар” ижтимоий лойиҳасини кенг амалга ошириш ташаббуси маълум келди. Ҳақиқатан ҳам, болалар доимий тиббий назоратда бўлиши, соғлом овқатланиши уларнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фарзандларимизнинг замонавий талабларга жавоб берадиган ўқиш ва ўқитиш муҳитида таълим олиши, ўз вақтида тиббий назоратда бўлиши учун ҳам саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар керак. Мен партиянинг бу каби халқлиқ таклифларини қўллаб-қувватлайман.

ДАСТУРИМИЗ НАМАНГАНЛИКЛАРГА ҲАМ МАНЗУР

Наманган шаҳридаги оммавий тадбирда аҳолининг барча қатлами учун бирдек манфаатли янги сайловолди дастури иштирокчиларга кенг таништирилди. Партиянинг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ таклифлари ҳаётийлиги, давлатнинг ижтимоий ислохотчи сифатида ўрни ва ролини сақлаб қолишга уру бераётгани сайловчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Сайёра ХАДЖИМИРЗАЕВА, Халқ депутати Наманган шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод:

– Биласиз, Наманган ривожланган ишлаб чиқариш қувватларига эга. Шунинг учун партия дастуридаги аёллар меҳнатига иштироклаштирилган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қоида оилавий бончалар фаолиятини йўлга қўйиш орқали аёлларга шароит яратиш таклифини тўғри, деб биламан.

Замон тезлашиб кетди. Юртимизда аёлларга эътибор ортиб бормоқда, уларнинг билим олиши, касб эгаллаши рағбатлантирилмоқда. Аёл ширинини ҳам касб-хунарли бўлиб, меҳнат қилиши оиланинг моддий фаровонлигига ҳисса қўшади, фарзандлар келажаги учун янада яхши шароит таъминланади.

Шу маънода, партия илгари сураётган ташаббус бонча ёшидаги фарзанди бор аёлларга ҳам ишлаб имконини кўпайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, Халқ демократик партияси томонидан сайловолди тарғибот тадбирлари республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Халқ демократик партияси вакиллари ҳар бир учрашувда сайловларнинг ҳар бир инсон ҳаётига таъсири ҳақида сўз юритиб, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги учун курашадиган партия ва унинг номзодларига овоз беришга чақирмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати

Ўзбекистон Экологик партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

Партияимиз номзодларига овоз беринг!

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари қизғин паллага кирди. Хусусан, депутатликка номзодлар сайловчиларни ўз дастурларида илгари сурилайётган мақсад ва вазифалар билан яқиндан таништиришмоқда.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ХАЙРИХОҲЛАРИМИЗ САФИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Жумладан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар ҳам ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларда сайловчилар партия сайловолди дастурида белгиланган муҳим тақлиф ва ташаббуслар билан яқиндан таништирилмоқда.

Самарқанд вилояти партиянинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган сайловолди дастури тарғиботи юзасидан ташкил этилган биринчи оммавий тадбирга мезбонлик қилди. Унда Сийёсий Кенгаш раиси Робохон Махмудова, вилоят ва маҳаллий Кенгашлар ходимлари, партия фаоллари, депутатликка номзодлар, маҳалла фаоллари, нурунийлар, сайловда илк бор қатнашаётган ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Партия етакчиси ўз маърузасида янги сайловолди дастурида ҳалқимизнинг орзу-истаклари, фикр-мулоҳазалари, кўплаб соҳаларда ривожланиш истиқболлари қамраб олинганлигини, илгари сурилган тақлифлар партиянинг келгуси беш йилликдаги устувор йўналишларини белгилаб беришига алоҳида тўхтади.

Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Муҳаммад Валиев “Адолат” СДПнинг 2025-2029 йилларга мўлжалланган сайловолди дастуридаги бир қатор ғоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти билан сайловчиларни таништирди.

Учрашувда сўзга чиққан иштирокчилар ҳам партия сайловолди дастурини кўплаб-қувватладилар.

Самарқанд вилояти азалдан илм-фан ва маърифат маскани бўлиб келган. Партиямиз томонидан сайловолди дастурида маънавий тараққиётга эришиш, мамлакатимизда илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ривожини таъминлашга қаратилган ғояларнинг илгари сурилганлиги мен каби барча самарқандликларни қувонтирди, — деди тадбирда сўзга чиққан партия фаоли Лола Саидова. — Жумладан, илм-фан соҳаси вакилларининг манфаатларини таъминлаш, олимларнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш мақсадида “Илм-фан ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, илмий-тадқиқот ишларига давлат ҳаражатларини кўпайтириш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали фан — таълим — ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.

Дастурда, шунингдек, мактабларда ўқитилаётган “Технология” фани ўқувчиларнинг келажаги учун ўта муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, ушбу фани ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур эканлиги белгиланган.

Партия сунъий интеллект асосида “Ақлли мактаб” дастурини таълим тизимига жорий этишни устувор вазифалардан бири, деб билди. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида “Робототехника” фанини жорий этиш чораларини кўради.

Адолатчиларнинг навбатдаги сайловолди учрашуви Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги “Йўлчилар” маҳалласидаги этно овулда бўлиб ўтди. Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, туман ва шаҳарлар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар йилгиланган партия сайловолди дастури билан таништирилди.

Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Шаҳноза Абдираманова сайловчиларни сайловолди дастурида экологик муаммоларни ҳал этиш, бу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатлари алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

— Бугун барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат давлат бюджетига юқлаш тўғри бўлмайди. Шу боис, биз “Экологияни ифлослантирувчи — компенсация тўлаши лозим” деган принцип тарафдоримиз, — деди номзод Шаҳноза Абдираманова.

Таъкидланганидек, партия дастурида Орол минтақасида яшовчи фуқароларнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлган экологик муаммоларга ижобий ечим топиш масалалари ҳам илгари сурилган. Хусусан, ҳавони ифлослантиришда етакчи бўлган йирик корхоналарга алоҳида солиқ ва жарима жорий этиш, Марказий Осиёда сув таъминлигининг олдини олиш мақсадида, кўшни давлатлар билан сув захирасини сақлаш ва кенгайтириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш, нуқуллар ва самарасиз ерларни ишсиз одамларга бўлиб бериш ва молиялаштириш орқали яшил ўрмонзорлар барпо этиш тақлиф этилмоқда.

Самимий мулоқот руҳида ўтган учрашув якунида партия фаоллари ҳамда бир қатор иштирокчилар сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Учрашувда партиямизнинг сайловолди дастурида илгари сурилайётган ғоя ва мақсадлар билан атрофдаги танишиш имконига эга бўлдик, — деди “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашидаги “Аёллар қаноти” раиси Улбоси Сейтжанова. — Ай-

ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ника, дастурнинг еттинчи йўналиши бугунги кундаги долзарб масала — экология, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга бағишлангани диққатга сазовор. Хусусан, ушбу йўналишда партия давлатнинг ер ости ва ер усти захираларини ҳимоя қилиш, табиий бойликларни самарасиз қазиб олишни чеклаш чоралари қурилиши тақлифини олиб чиқаётгани эътиборимизни тортди.

Шу билан бирга, тадбирда сўзга чиққанлар иштирокчиларни бўлажак сайловда партиядан кўрсатилган номзодларни кўплаб-қувватлашга чақирди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолларининг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, сайловолди дастурида илгари сурилайётган ғоя ва вазифалар “Адолат” партиясининг дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида адолат тамойилларини барқарор таъминлашни назарда тутди.

Дастурда партия учун тиббиёт соҳасидаги биринчи галдаги вазифа сифатида тиббиёт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини қароқотлаш, олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда тор соҳа мутахассислари фаолиятини йўлга қўйиш тақлиф қилинган.

Қолаверса, партия аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш ва соҳада замонавий технологияларни жорий қилиш борасида “Ақлли тиббиёт” тизимининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, “электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета” тизимларини йўлга қўйишни муҳим, деб ҳисоблайди.

— Партиянинг дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган муҳим тақлифлар ва уларни амалга ошириш ғоясининг изчил ёритилганлиги эътиборимизни тортди, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти ходими Абдулазиз Носиров. — Дастурдан ўрин олган энг муҳим масала, албатта, халқимиз саломатлигидир. Хусусан, партия нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш бўйича амалий чораларни қўриш тақлифини илгари сурмоқда. Яъни, партия тиббиёт даромад олиш манбаига айланмаслиги тарафдори. Бунинг механизми, хусусан, тиббиёт сўғуртасини ривожлантириш эса кўпчилик мутахассислар томонидан ишлаб чиқиши керак бўлади.

Шунингдек, партия сайловолди дастурида фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортдан беморларни ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга ундаш ортаётганлиги ва бу каби ҳолатларни бартафат этиш юзасидан аниқ тақлифлар берилаётганлиги иштирокчиларда партия дастурига нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

Дастурда тиббиётчилар ва фармацевтлар орасида ноқонуний мулоқот тўлиқ тақиқланиши, бундай мулоқотлар ва совғалар учун жазо муқаррар бўлиши қатъий белгиланиши айтиб ўтилган. Бу каби тақлифларнинг амалиётга татбиқ этилиши тиббиётимизнинг жаҳон стандартлари асосида ривожланишига хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, партия фаолларининг Тошкент вилоятидаги “Nurafshon business city” хиёбонида “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” широи остида бўлиб ўтган оммавий тарғибот тадбири, нафақат вилоят аҳолиси, қолаверса, бошқа ҳудуд сайловчилари кўнглидан ҳам чуқур жой эгаллади.

Оммавий тадбирда сўзга чиққанлар партиянинг сўнги йиллардаги самарали фаолияти ва сайловолди дастурида илгари сураётган ғоялари ҳақида батафсил маълумот беришди. Жумладан, партиянинг асосий мақсади — халқимиз учун муносиб, адолат ва қонун устувор бўлган жамият барпо этиш эканлиги алоҳида таъкидланди.

Умуман, “Адолат” СДП бундай самарали тарғибот тадбирларини мамлакатимизнинг бошқа вилоят, туман ва шаҳарларида тизимли равишда ўтказиб келмоқда. Ушбу тадбирлар орқали аҳоли орасида партиянинг ғояларини янада кенроқ тарғиб қилиш, сайловларнинг аҳамиятини ошириш ва фуқароларни сайлов жараёнига фаол жалб этиш мақсад қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудларда бўлиб ўтаётган оммавий тадбирлар ва учрашувларда сўзга чиққанлар партия сайловолди дастурида тақлиф этилаётган устувор мақсад ва ғоялар халқ фаровонлиги ва Ватан равнақига хизмат қилишини эътироф этиб, тадбир иштирокчиларини жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва унинг номзодларини кўплаб-қувватлашга чақириммоқда.

“Адолат” СДП матбуот хизмати

МИГРАНТЛАР МУАММОЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида хорижда кам даромад эвазига юрган мигрантларни юртимизга қайтариш ҳамда уларни муносиб иш билан таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берган эди.

Мулоқот

Нурафшон шаҳрида хорижда ишлаётганлар ва олийгоҳларда ўқийётган талабалар билан мулоқот қилиш мақсадида “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” ўтказилди.

Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, вилоят Камбағаллики қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят минтақавий филиали ва Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Дастлаб, вилоят ҳокими охири йилларда маҳаллалардаги ёшларга берилаётган имкониятлар, ўтказилаётган хатловлар ва амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижалари ҳақида тўхтади. Аynиқса, хорижда ишлаётган мигрантлар шароитидан бохабар бўлиб туриш, яхши ишлаётган ёки ўқийётган ватандошлар кўплаб-қувватланиши, шунингдек, юртига қайтмоқчи бўлганларга амалий ёрдам бериш, уларни ўз яшаш ҳудудига даромадли ишларга жалб қилишга маъсуллар эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, жойларда миграциядан қайтганларга ҳам ер ажратиш ва сабзавот маҳсулотлари еттиштириш борасида тақлифлар берилди. Бу бўйича ҳудудларда ер олиб, яхши

даромад топаётган фуқароларнинг тажрибаси мисол қилинди. Шунингдек, мигрантларни вилоятдаги йирик саноат корхоналарига ишга жойлаштириш борасида ҳам маълумот берилди. Бунда янги ишга қираётганлар махсус ўқув курсларида ўқитилади. Маълумотларга кўра, ҳозирда вилоятда пайвандловчи, дурадгор, юк ташувчи автотранспорт воситалари учун ҳайдовчи, электротехник ва механикларга эҳтиёж кўп.

Мулоқотда хорижда ноқонуний ишлар билан шуғулланаётган, турли жинойт ташкилотларга билиб-билимай қўшилиб қолаётганларнинг тақдирига бефарқ бўлмастик лозимлиги ҳақида ҳам сўз борди.

— Ҳозир ҳудудимиздаги йирик корхона-ташкilotларда 6 мингга яқин бўш иш ўрни мавжуд, — деди вилоят раҳбари. — Улар энг кам 3 миллион сўм иш ҳақи тақлиф қилмоқда. Афсуски, ўзимиздаги мавжуд иш ўринларини аҳолига етарлича тарғиб қила олмаёемиз. Ачинарлики, хорижда яхши пул топаётганларнинг ҳаммаси ҳам оиласига етарлича маблағ юбормаётганидан хабаримиз бор. Хорижда ишлаётган аксарият фуқароларимизни қийнаётган яна бир муаммо — чет тилини яхши билмасликдир. Шу сабабли улар яхши иш ва шароит топишга қийналишади.

Мулоқотда хорижда юрган фуқаролар билан боғланиб, ортага қайтиб, шу ерда меҳнат қилиш истаги борларга муносиб иш ўринлари тақлиф қилинди.

Хусусан, Оҳангарон туманида яшовчи Дийрбек Исоқов ҳозир Россия Федерациясининг Челябинск шаҳридаги саноат зонасида оғир юк ташувчи автотранспорт воситасини ҳайдайди. Онлайн мулоқотда масъуллардан ўз мутахассислиги бўйича ишга киришга ёрдам сўради. Унга тавсия асосида Олмалиқ кон-металлургия комбинати-га қарашли конлардан бирида ишлаш тақлиф қилинди.

Ангренлик Покиза Ғаниева ҳозир Германиянинг Бранденбург шаҳридаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди.

— Ушбу давлатда ишлаётганимга анча бўлди, — дейди П.Ғаниева. — Айни пайтда ойлик маошим 2,2 миң евро. Дастлаб, биз каби ходимлар немис тилини ўрганиб, сертификат олдик. Шу асосида қонуний тарзда Германияга келганман. Бу ерда мен каби ходимларга яхши шароитлар яратилган. Бунинг учун вилоят маъсулларига раҳмат айтаман.

Шунингдек, мулоқот давомида кўшни Қозоғистон давлатида мавсумий ёлланиб ишлаётган ҳамда олийгоҳларда таҳсил олаётган талабаларнинг тақлиф ва муаммолари тингланиб, маъсулларга уларни тегишли тартибда ўрганиш бўйича топшириқлар берилди.

Сухробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗ!

Сайлов участкаларида кампания санасига бағишланган плакатлар, сайлов участкасининг харитаси, участка комиссияси аъзоларининг тарихи, иш режаси, навбатчилик жадавали, фуқаролар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефонини, шунингдек, электрон манзили, округ комиссияси, тегишли туман (шаҳар) суди ва прокуратураси телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар илб қўйилган.

Жисмоний ҳаракати чекланган сайловчиларнинг имкониятини эътиборга олган ҳолда биналарда нишаб йўлакларни ҳам мавжудлигига эътибор қаратилган. Бу шароит бўлмаган айрим сайлов участкаларида эса чақирув тугмаси ўрнатилган. Жойларда тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида, сайлов участкаларига йўналтирувчи кўрсаткичлар, қақирув плакатлари, сайловга оид стендлар ва бошқа тарғибот материаллари белгиланган тартибга асосан ўрнатиб қўйилган.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар- (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

нинг сайловолди дастурлари ҳамда депутатликка номланганларнинг таржимаи ҳоли вилоятдаги барча сайлов участкаларига етказилиб, ҳудуддаги аҳоли гавжум жойларга илинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бюроси каби халқаро ташкилотлардан бириктирилган кузатувчилар вилоятдаги сайлов участкаларида бўлиб, тайёргарлик жараёнлари билан танишишди.

Маълумки, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганда бошланган ва сайловга уч кун қолганда тўхтатилади. Тошкент вилоят-тидаги 1 миңг 6 та сайлов участкасига мuddатидан олдин овоз бериш учун сайловчилар умумий сонининг 10 фоизи микдорида сайлов бюллетенлари вақтида етказиб берилди.

Жойлардаги сайлов участкаларида мuddатидан олдин овоз бериш жараёнлари якунланмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири

Хабарингиз бор, Президентимиз 15 октябрь куни Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Муҳандислик мактабига ташрифи давомида “Тармок — корхона — олийгоҳ” занжирини янада ривожлантириш борасида топшириқ берган эди.

ЙИЛИГА 480 НАФАР МУҲАНДИС



Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, ўтаётган ҳафтада республикадаги муҳандис кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари мазкур мактаб фаолиятини ўргандилар. Бу ҳақида Тошкент вилояти ҳокими Ахборот хизмати маълум қилди.

Қайд этилганидек, Муҳандислик мактабиде ўқиш амалиёт билан уйғун тарзда кечади. Комбинатнинг 3-мис бойитиш фабрикасида ишлаб чиқаришни илм-фан билан интеграциялаш, шунингдек, муҳандис кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари қўриб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, келгусида муҳандис кадрлар тайёрлашда Тошкент вилояти тажрибаси намуна бўлади.

Маълумот ўрнида, мазкур мактабда Германия тажрибаси асосида йилига 480 нафар муҳандис кадрлар тайёрланади ҳамда миң нафар ходимнинг малакаси оширилади. Дарс жараёнлари йўналиши ва мавзулардан келиб чиқиб, хорижлик профессор-ўқитувчилар иштирокида олиб борилади.

Эҳтиёт шарт

Кутуриш касаллиги ҳақида бот-бот эшитиб тураемиз. Асосан ёввойи ҳайвонлар, эгасиз ит ва мушуклар орқали юкуччи мазкур касаллик кунлар салқинлай бошлаши билан авж олади.

Айниқса, куз ва қиш фасллари вируснинг энг авж палласи саналади. Сабаби, ёввойи ҳайвонлар кузда болаларини мустақил ҳаётга қўйиб юборади. Шунинг учун ҳам уй ҳайвонларини, жумладан, итларни куз фаслида эмлатиш тавсия этилади.

Хўш, инсонларга вирус қандай юқади? Асоратлари қандай?

Организмга вирус асосан сўлак орқали юқади. Касал ҳайвоннинг сўлаги шикастланган терига, қўз, оғиз ва бурун шиллиқ пардаларига тушиши, шунингдек, ит, мушук ва ёввойи ҳайвонлар тиллаши ёки тирнаши оқибатда инсон кутуриш вирусини юқтириб олиши мумкин.

Касалликнинг яширин даври ўртача 2-6 ҳафтагача, баъзан 10-12 ойгача давом этади. Бу даврнинг давомийлиги вируснинг касаллик

КУЗДА ҚЎЗИЙДИГАН ХАТАР



қўзғатиш қобилиятига, организмнинг чидамлилиги омилларига, ёши ва вируснинг тарқалиш нуқтасига боғлиқ бўлади. Агар вирус бош миёга яқин жойга кирган бўлса, касаллик асоратлари қисқа вақтда намоён бўла бошлайди.

Касалликнинг олдини олиш, энг аввало, хонадондаги ит ва мушукларни тўғри сақлаш қонун-қоидаларига риоя қилишдан бошланади. Агар ҳайвон тиллаганида жароҳат чуқур бўлмаса, уни совулни сув билан (хўжалик совунини ишлашти самарали) 10-15 дақиқа давомида ювиш керак. Яқин атрофда сув ва совун бўлмаса, нам салфеткалар-

дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бордию, жароҳат чуқур бўлса, қон кетишини тўхтатишга уринманг маъқул. Чунки жароҳат жойи қон билан ҳайвоннинг туپуғидан (сўлагидан) тозаланиши лозим. Шундан кейин яхшилаб ювиш ҳамда жароҳат атрофидаги терини антисептик воситалар билан тозалаб, боғлаш зарур. Бу ишлар бажарилгач, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Касалликдан ҳоли бўлиш учун биринчи навбатда, аҳолига тегишли ит ва мушуклар, шунингдек, дайди итларни кутуришга қарши ўз вақтида эмлаш шарт. Эмлаш қанча эрта бошланса, касаллик юқшининг хавфи камаяди.

Қахрамон ХАЛИКОВ,
вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси мутахассиси

“Адолат” партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!



масалаларни тўғри ҳал этиш учун куйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

Биринчидан, оила қуришга шайланаётган йигит ва қизлар мукамал тиббий кўриқдан ўтказилиб, улар никоҳ гигиенаси ҳамда келажакда соғлом фарзанд туғилиши ҳақидаги билимлардан хабардор этилмоқда;

Иккинчидан, ҳар бир оилада ҳомиладорларни эҳтиётлаш, бу даврда аёлларнинг "Ҳомиладорлар мактаби"га қатновининг аҳамияти, бўлажак онанинг соғлом турмуш тарзига эга бўлиши, шунингдек, бўлажак отанинг вазифалари ва соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида кенг қамровли тадбирлар ташкил қилинмоқда;

Учинчидан, туғилган болани соғлом, барқамол, касалликларга бардошли бўлиб ўсишида она сунининг аҳамияти тўғрисида кенг омма ўртасида тушунтириш олиб борилмоқда.

Сир эмас, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда малакали тиббиёт ходимларига эга бўлиш мўҳим. Шу боис, ҳар йил республикамизнинг кўп-кўп шифокорлари тиббиёт ривожланган мамлакатларга малака ошириш учун жўнатилади. Хусусан, вилоятда сўнгги 3 йил мобайнида 38 нафар шифокор хориж клиника ва марказларида малака ошириб келишди. Шунингдек, Корея Республикаси билан соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича имзоланган ҳамкорлик меморандуми Кенгидо вилояти губернаторининг таклифига кўра, шу йилнинг охирига қадар 10 нафар шифокор мазкур давлатга малака ошириш курсларида юбориб режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам тиббиёт анча ривожланди, етарли малакали кадрларга эга бўлди. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг барчаси фуқароларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, гўзал

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – САЛОМАТЛИКНИНГ ФАРЗИ

Мазкур жараённинг тўғри тартибда олиб борилиши натижасида касалликларни эрта босқичда аниқлаб, вақтида даволаш ортидан вилеоят, шаҳар ва туман стационарларида аҳоли мурожаатлари 13 фоизга камайди ҳамда қарийб 22 млрд. 750 млн. сўм маблағ тежаб қолинди.

Хабарингиз бор, бугун энг чекка ҳудудлардаги тиббиёт пунктлари ҳам замонавий техник жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бунинг натижасида, жорий йил давомида республика ихтисослаштирилган марказлари ҳудудий филиалларида 220 турдаги янги технологиялар жорий этилиб, 292 та эндопротезлаш жарроҳлик амалиёти, 9 минг 320 та лапароскопик жарроҳлик, 1 минг 36 та коронарография ва 7 нафар беморда буйрак трансплантацияси амалиётлари ўтказилиб, жами 6,2 минг нафар беморнинг Тошкент шаҳри ва чет элларга бормасдан яшаш жойида юқори сифатли тиббий ёрдам олиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг октябри — "Эъзозли кексалар ойлиги" деб эълон қилинган.

Ойлик доирасида вилоятнинг 1 минг 25 та маҳалласидаги 247 минг 414 нафар кекса ёшдаги аҳоли орасида 3 минг 662 марта скандинавча юриш ва "Кексалик гашти" шiori остида 348 марта енгил спорт турлари (шашка, шахмат, стол тенниси, волейбол ва х.к.) бўйича мусобақалар ўтказилди.

Бундан ташқари, турли ёшдаги аҳоли ўртасида тўғри овқatlanиш, жисмоний фаоллик, соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлиқни сақлаш

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)



бўйича доимий тадбирлар ўтказилиб, тавсиялар бериб келинмоқда. Бу тадбирлар нафақат амалий, балки назарий аҳамиятга эгадир. Тарихга назар солсак, ҳар бир халқнинг табobati, яъни қадимий китобларида битилган саломатлик қонунлари мавжуд бўлиб, унда ахлоқ-одоб, муомала, меҳнат, дам олиш, овқatlanиш маданияти мужассамлашган.

Этиборлиси, мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, юртимизда "Соғлом онадан соғлом бола" тамойили устувор саналади. Бунда никоҳ ёши қатъий кўрсатилганлиги, тиббий кўриқдан ўтиш ҳозирги кунда ҳаётини зарурат эканлиги, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш, шунингдек, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммолари бўйича оилалар, никоҳланувчи ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш долзарб вазифа этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил таъ-

ларни оғохлантирган эди.

Она ва бола саломатлиги ҳақида гап борар экан, сўнгги йилларда юртимизда "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш", "Соғлом она ва соғлом бола", "Репродуктив саломатлик", "Соғлом авлодни шакллантириш" дастурларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ва эришилаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Она ва болага сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида шифокорларимиз давлатимиз томонидан тиббиёт соҳаси ривожланган мамлакатларга юборилиб, малака ошириб қайтишмоқда. Бундай



лим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида мазкур масалага алоҳида ургу қаратиб, "Ҳар бир она ва бола ўлими "фавқуллодда ҳолат" деб баҳоланади ва сўров шунга яраша бўлади", дея барча мутасадди раҳбар-

амалий ишлар натижасида, оналар ва болаларнинг ўлим хавфи сезиларли даражада камайди.

Дарҳақиқат, келгуси авлод саломатлигига асос яратиш учун соғлом болалар туғилишини таъминлаш ҳамда уларни соғлом вояга етказиш масаласи шифокорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳозирда мазкур



ва фаровон турмуш барқарорлиги учундир. Зеро, соғлом халқ давлатнинг энг бебаҳо бойлигидир.

Тўрақул АРЗИҚУЛОВ,
Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи,
тиббиёт фанлари доктори
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Дарвоқе

Айтишларича, бобом узоқ йиллар қишлоқдаги алоқа бўлимида ишлаган экан. Шунгами, ҳалигача у кишини ёши улуғлар хурмат билан тилга олишади. Бундан биз — авлодлар хурсанд бўламиз. Яхши гап яхши-да!

Бобомнинг вазифаси жуда аҳамиятли бўлган. Негаки, у пайтлар хат орқали дейдорлашилган. Тагин денг, босма нашрларнинг тиражи жуда катта бўлган. Айримларнинг адади миллион нусхага ҳам етган. У пайтлар одамлар мутлолаага қизиқишаркан-да! Қандай яхши!

У пайтлари ҳар бир дарвозада почта қутиси бўлган. Келган хат бўладими, обуна нашрлар бўладими, ўша қутига солиб кетилган. Қутини очган кимдир соғинчли саломни, яна қайсидир фикрга ташна севимли нашрини қабул қилиб олган. Аjoyиб даврлар экан-да! Бир сўз билан айтганда, у бахт ва қувонч қутиси, зиё ва жавоҳирлар сандиги бўлган. Биз эса, уларни энди киноларда кўрамиз.

Эшитишимизча, матбуотдаги мақолалар қизгин муҳокамаларга сабаб бўларкан. Энди эса, ҳаммининг қўлида гаджетлар. Одамлар газета-журнал у ёқда турсин, китоб мутлолаасидан ҳам узоқлашиб кетаётгандек. Почта қутисиз дарвозалар, матбуоту китобсиз уйлар, ўқимасликни фахр биладиган одамлар! Ҳайҳот!

Сир эмас, мажбурий обуна деб айюҳаннос солиб, матбуот "чалажон" қилиб қўйилди. Бугун марказий газета ва журналларни ўқисак, "мих" мақолалар бисёр. Аммо, ўқигувчи йўқ. Ким-

дир айтганди, матбуот керакмас деган киши, ўқигани билан тушунмайди, деб. Бобомнинг замонида почта қутисиз дарвозани тасаввур қилиш амримаҳол бўлса, бугун почта қутили уйлари тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтимол, бу ҳол алмисокдан қолган ҳисобланар. Лекин, дарвозаларимиз қиммат. Унинг турли жимжимдорлари бор. У хонадон соҳибини таъбиға қараб, турли қимматбаҳо металллардан ясаллиши ҳам мумкин. Уйлар банд! Ҳашаматли. Аммо, почта қутиси йўқ. Ичига китоб кирмаганлари ҳам талайгина бўлса керак...

Почта қутиси бўлгани билан, уни очадиган, ҳаяжонланадиган одамлар борми? Масалан, қишлоғим мисолида айтсак, вақти-вақти билан одамларга ҳаяжон улашадиган бобом — почта-тальон йўқ-ку! Энг қизиги, у ишлаган идора бузилиб, тадбиркорга берилган. Ҳозирда ҳашаматли дўкон қад ростлаган. Майли-да! Замон талаби шудир. Дарвозаларнинг почта қутиси бўлмагандан кейин, почта хизмати идораси бузилиб, тадбиркор дўкон куради-да! Яна айтишларича, бобомнинг идораси ёнида қишлоқ маданият уйи, кутубхона ва яна бир қанча маърифат улашувчи масканлар бўлган экан. Кутубхонанинг китоблари нима бўлдикин? Ҳеч ким олиб кетмаган бўлса, ёқиб юборилганми? Бугун уларнинг ўрнида ҳам тадбиркорларнинг савдо масканлари. Яхши-да, ҳеч бўлмаса тадбиркорнинг рўзғори ўтятипти-ку, дерсиз. Ваҳоланки, дўконлар ўрнидаги иншоотлардан маърифат олган кўччиликнинг қозони қайнаши, қишлоғимиздан янада бисёр зиёли ёшлар чиқиши мумкин эди. Бир-бирига зид қарашлар!

Бугунги аксар ёшлар қизик. Илм олиш, хунар ўрганиш, бирор ишнинг бошини тутиш ҳақида гапирилса, лаб жийрадилар. Топиб олган гаплари ўхшаш: "Ўқиган билан иш йўқ-ку!",

Дарвозадаги почта қутиси



"Фалончи ўқиб нима бўлди?", "Писмадончи, четда ишлаб бир йилда машина олди, иккинчи йил уй қурди, учинчи йил дангиллама тўй қилди. Биз ҳам ўшандай бўламиз-да!" каби вақтларни келтиришди. У ёқда нима иш қиласан деса, билмасам, дея ўйланиб қолдишди. Қаерда бўлса ҳам, меҳнатга яраша ҳақ тўланишини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Назарларида, пулни бориб супуриб келишади. Хунари борнинг ҳар жойда қадри бор. Бирор йўналишнинг устаси бўлиб кетганларнинг эъзозланаётганини эшитамиз. Энди, дунёнинг нуфузли олийгоҳларида ўқийётган ва ўқийётган топ компанияларида ишлаб, ўрин топган юртдошларимиз ҳақида эшитиб, одамнинг кўкси ғурурга тўлади. Лекин, аксини кўриб, одамни жавобсиз ўйлар чулғаб олади.

Айрим ёшлар қимматли вақтларини тунги клубларда ўтказишяпти. Эҳтимол, ҳозир қаердадир тенгдоши оламшумул лойиҳани амалга ошираётгандир. Ёшлар орасида психотроп моддалар истеъмоли кўпаяётганини эшитиб, уйлаб қоласан. Почта қутисиз

дарвозадан кириб-чиқишнинг оқибати-дир, балки...

Оруз-ҳавас деб, тўйларни оғирлаштириб юбордик. Никоҳ ёши катталашиб кетяпти. Буйдоқларни ўйлайдиган "жамият"лар ўз ишларига сустанлик билан қараётганлари боис, жирканч иллатлар кўпаймоқда. Отаси кимлиги номаълум, бир умр "тамға" билан яшаётган бегуноқ болалар кўпаймоқда!

Тўхтанг, бор калтакни жаноб буйдоқнинг бошида синдирмайлик. Ўзи бечора уйланолмай юргани унга берилган катта азоб... Уйланворгин деса, ота-онанинг орзу-ҳаваси бор! Унга етиш учун йигит камида 26-27 ёшни қаршилаши керак. Ҳа борингки, қурбинг етуғича тўй қилвер деса, қилмайди. Қилолмайди. Уйдаги катталар "элнинг ошини еган", "эл олдидан ўтиши керак!" Еган ош бошини ейиш билан баробарми, деб ўйлаб қолади киши. Кимдир айтилмай қолса, гина-қудурат қилади. Тўйларни орзу-ҳавас мезони билан ўлчаш фақат биз томонларда бўлса керак. Ва тўйга айтилмаганига ҳафа бўлиш ҳам фақат бизларга хосдир...

Тўйларимиз дангиллама! Лекин... дарвозаларимизнинг почта қутиси йўқ!

Майли, бўлар иш бўлди. Хотиржам телевизор кўрай десаг, ундаги бачкана рекламаларга амаллаб чидаб ўтирган пайтинг, рекламадан ҳам бачкана кўрсатув, сериаллар асабинг фигурини кўкларга олиб чиқади. Бизнинг

телеканаллар дориларни бирам "шин" реклама қилишадими, беихтиёр одамнинг тотиб кўргиси келади. Балки, касалликлар кўпаяётганига тўтуриқсиз рекламаларнинг ҳам таъсири бормикин, деб ўйлаб қоламан. Ишқилиб, бунинг сабаби ҳам дарвозаларимизнинг почта қутиси йўқлиги билан боғлиқ эмасмикан?

Ҳар хил ўзга миллатлар маданиятига кўр-кўрона эргашаётган, худумларини эътиқод даражасига кўтараётган замондошларимиздан ўпкалашнинг ҳожати йўқ. Аммо, шунини айтиш керакки, ўз худумларимиз, қадриятларимиз жуда гўзал. Шуларни асраб-авайлашимиз, наслларимизга етказишимиз керак. Зеро, улар ҳам ўзини таниб, ўзлигини асраб яшашсин. Шундай деймизу, ҳайҳот, яна... дарвозаларимизнинг почта қутиси йўқлиги эсга тушаверади...

Дидлар ҳам тобора енгил-елпиликка мослашиб борапти. Замондан "дод" дейишнинг фойдаси йўқ. У ўзига хосли билан ҳам айрича. У яхши ёмонни, ютуғу камчилиги билан ҳам гўзал. Одамни яшамоққа ундайди.

Шунақа гаплар-да, оламда. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни — даврларнинг ўзига хос жозибали бор. Замондан ўпкалаш нодоннинг иши. Нима бўлса бўлар. Кўриб, кузатиб бораверамиз-да!

Лекин, барибир, дарвозаларимизнинг почта қутиси йўқ...

Зиқрилла МАМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G’afurjon MUHAMMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 21:00

Nashr ko’rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1035.

2 860 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvardan

03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

(Davomi. Bo’shanlash 1-saxifada)

“Мингтепа” узумини тошкентликлар “Пискентнинг жайдари чиллакиси” деб иштаха билан тановул қилдилар. Шахар бозорлари расталарини ёз бўйи узум билан файзиёб қилаётганлар асосан мингтепалик боғбонлар эканлигини ҳамма ҳам билвермаса керак...

Бу ёғини сўрасангиз, «Отаси – букрихўжа, онаси – япалоқойим, боласи – ширин-шакар» деб таърифланадиган ўсимликдан нақ мўъжиза яратётган соҳибкорларни биз “Мингтепа”да учратдик. Уларнинг биринчиси кексайиб, кўлтига кўш асо олсаям кеча-кундуз тинмайдиган ҳожи ота – Умаржон Арслонов экан.

– Уша кунги мажлисда туманимиз ҳокими Президентимизнинг олдида “Бизнинг мингтепалликлар йилига бир ернинг узидан беш мартадан ҳосил олишадими”, деб мақтаганида бир яйрадик, бир яйрадик, – дея гап бошлади Умаржон ҳожи ота. – Гапнинг очигини айтсак, битта биз эмас, ўзбекининг деҳқони борки, бари шундай меҳнат қилиб келган. Чунки ер сохтакорликни кўтармайди. Ўзбекининг тупроғидай сахий тупроқ дунёда борми? Йўқ! Бунинг қадрига етиб, ҳалол меҳнат қилганга Яратган эгамнинг ўзи баракасини бераверади-да!

Сиз ҳам йилига бир ердан беш марта ҳосил олишимизга қизияйсизми? Унда эшитинг!

Масалан, биз тоқлар остига исмапоқ,

фобахш неъмат, сочларни соғлом ўстиради. Юзга суртса, шаффофдек тиниқ қилади. Бу кишлоқнинг боболарию-момолари ҳам боғ туйфайли ишсиз эмас. Момолар узумдан майиз, қиём, шинни тайёрлашади. Боболар кеч кузда қўшлардан ортиб қолган насибани хумга жойлаб, мусаллас қилишади. Келинпошшолар эса токнинг барра барглари саралаб-саралаб махсус идишларга жойлайдилар. Тансиқ дармондори таом учун қишга асраб қўйишади.

**БЕЛИДА БЕЛБОҒИ
БОРЛАРИНИНГ БОҒИ...**

– “Мингтепа”нинг шундай файзли гўшага айланишида даладан дур ундирган деҳқонлар-у, меҳнаткаш боғбонларнинггина эмас, кураги ерга тегмаган полвонларнинг ҳам ҳиссаси катта, – дея гап бошлади маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Эшбеков. – Улар полвонлик мартабасида туриб эл ори, юрт шаъни учун белга белбоғ боғлаганлар. Абдуназир полвон, Усмон полвон, Эсонбой полвон, Мирсоат полвон, Ҳажим полвон, Исоқ полвонлар ҳаёти бугунги ёшлар учун катта ибрат мактаби.

Абдуназир полвон ўз навбатида, боғлар барпо қилишда ўта тadbиркор бўлган. Усмон полвон етти иқлимда йўқ анжир навларини кўпайтириб, тумандошларига тарқатган. Эсонбой полвон ва Мирсоат полвонлар мироблик



гувоҳ бўлган хонадон бу.

Устозни ҳам ижод устида эмас, ишқом остида учратдик.

– Боғдорчилик ҳам худди ёзувчиликка ўхшаган ўта сердиққат юмуш, – дея гап бошлади Собиржон ака. – Токка ҳам ижодий кайфият билан ёндашиш керак. Кузда совуқдан асраб кўмиш, кўкламда очиш, кўтариш, тароқлаш,

Баъзан кўча-кўйда, гап-гаштақда шу мавзу очилса, ҳар турли гап-сўзлар қулоққа чалинади. Уларнинг айримлари асосли бўлса, баъзилари сафсата, холос. Чиндан ҳам, деҳқон бир йилда қанча даромад кўради? Бу саволга жавобни деҳқонларнинг умумий даромади ва харажати таҳлили мисолида излашга ҳаракат қилсак, куйидаги манзара пайдо бўлади:

ПИСКЕНТДА ДУВ-ДУВ ГАП...



қўкатлар екамиз. Кўкламда биринчи ҳосилимиз – шу. Исмапоқ сомсабоп бўлиб, қўкатлар сотилиб тугамасидан қиш бўйи тупроқ остида “дам олган” тоқларни очиб, ишқомларга осиб, тароқлаб чиқамиз. Шўро хомтоқ пайтида териб олинган токнинг баррадек барглари келинлар дамлаган ошга боссангиз, вой-бў, унинг мазаси чойхонапаловдан ўтади-да! Келин-қизларимиз ҳам пишиқ бўлиб кетишган, ток барглари ортиқчасини дарров бўш баклашкаларга захира қилиб қўйишади. Шундай қилиб, бу иккинчи ҳосилими? Исмапоқнинг ўрнига кимдир қовоқ, кимдир эса бошқа сабзавот экади. Йил яхши келса, май охирига, узум пиша бошлайди. Бу – учинчи ҳосил! Узумларни сотиб, пулини энди саранжом қилиб олганингизда исмапоқ ва қўкатларнинг ўрнига экилган сабзавоту полизлар етилиб турибди-да! Бу энди ҳосилнинг тўртинчиси! Августда сабзавотлар йиғиштирилиб, ўрнига масалан, гулқарам екамиз. Хазонрезги паллага қолмай, бозорларни гулқарамга тўлдириб ташлайми! Бу – бешинчи ҳосилимиз!

Мен ҳали “Мингтепа”нинг қулупнайи, помидору бодрингларини айтмаяпман. Уларни ҳам бозорига қараб, ток орасида етиштиришни боғлайми!

– Узумларни сотиб, белни бақувват қилиб олган, кимдир уйни, кимдир тўйни бошлаб юборади денг, – гап қўшдик биз.

– Э, албатта, астойдил меҳнат қилган, уй қурадимиз, тўй қиладимиз, ҳалол бўлсин-да! Гап шундаки, мева-чевалар пишиб, ҳосиллар йиғиштириб олингандан кейин ҳам боғларда иш тўхтаб қолмайди. Ток остига экилган кечки сабзавотни парвариш қилишни бошлайми. Масалан, биз боққа узумлардан кейин қовоқ ва гулқарам екамиз.

Умаржон ҳожи ота билан Хайриниса ая умргузаронлик қилаётган хонадонда вояга етган тўрт фарзанд, 14 навароно, 15 эвара ҳам мана шундай юмушларни бажариб, кўзлари пишяпти.

Ёзда – айни пишиқчилик пайти Республика “Нуроний” жамғармаси раиси Содиржон Турдиев билан бирга келиб, бу уйда меҳмон бўлган бир гуруҳ фахрийлар ҳам хонадондаги файз-баракани кўриб, қувониб кетишган экан...

Хуллас, шунақа гаплар. Маҳалладаги қариб 600 дан зиёд хонадоннинг катта-кичик томорқасида, ҳаттоки уйга туташ бир тутамгина ҳовлисида ҳам узум етиштирилади. Бу ернинг кексалари ёз бўйи боғдан қадам узмайди дилар. Жазирама саратонда узум новдалари чирмашган сўри остидаги сулада салқинлайдилар. Токнинг ҳаётбахш шапалоқдек барглари ўз соҳибини-соҳибларини офтобнинг қилчидек ўткир тигидан асрайди. Эрта кўкламда боғ ишларига қўл қоқишадиган навхилоқ қизалоқлар новдалардан силқиган сувни идишларга тўплашга тушадилар. Ток суви ўта ши-

касбини ардоқлаб, боғ-роғларни оби ҳаёт билан таъминлаганлар.

Ҳажим полвон Бегматовни Пискентдаги кексаю ёш яхши танир эди. Собик шўро даврида совхознинг 1-бўлими “Мингтепа”да жойлашганлиги боис узоқ йиллар шу бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган. Пахтачилик илмининг устаси эди. Қишлоқнинг паст-баландини, одамларнинг фезъл-атворини яхши билган. Катта-кичик билан ўз оға-инисидек муносабатда бўлган, боғ-роғларни кенгайтиришда боғбонлардан ёрдамни аямаган. Туй-маъракаларда борини ўртага қўйиб, қўл қоқишган. Ана шундай мард, фақат полвонларгагина хос баргикенг, сахий инсонни ҳали-ҳануз пискентликлар эҳтиром билан ёд этишади.

Қишлоқнинг яна бир мард ўғлини Исоқ полвон фарғонача миллий кураш бобида нафақат Ўзбекистонда, балки Урта Осиё курашчилари даврасида ҳам обрў-эътиборга сазовор эди. Бутун умрини яратиб, бунёд этишга бағишлаган бу инсон ҳаёти поёнида фермерликни ривожлантиришга бор куч-қувватини сарфлади. Шу билан бирга маҳаллани ободонлаштириш, газ, ичимлик суви билан таъминлашда кўпга бош бўлди. Ҳашар йўли билан маҳалладаги ички ариқ-зовурларни тозалаш юмушларида ибрат кўрсатди.

Маҳалла аҳлини ортидан эргаштира оладиган қобилиятга эга бўлган оқсоқоллар ғайратини алоҳида таъкидлаш керак. Маннобхон ота Муталиев, Уринбой ака Отабоев, Жўра ака Қурбонов шулар жумласидандир. Тажрибали ҳосилот Ақром Аҳмедов, тadbиркорлар Содиржон Исмаилов, Умаржон Арслонов, ёшлар мураббийси Эркин Эсонбоев, фермер Турсунбой Жўраев ва кўпга фаоллар билан маҳалла аҳли ҳақли равишда фахрланадилар.

**БИР ИЖОД УСТИДА,
БИР ИШҚОМ ОСТИДА...**

Бир умр Пискент тумани газетасида турли вазифаларда фаолият кўрсатиб, нафақага чиққандан кейин ҳам баракали ижод қилиб келаётган устоз-журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Собиржон Иномов ҳам шу маҳаллада яшайди.

Собиржон ака ва унинг рафиқаси Сайёра опа (Оллоҳ раҳматига олсин) истиқомат қилган хонадонни пискентликлар “Мингтепаннинг Дўрмони” дейишади. Назаримда, бу жуда топиб айтилган гап. Чунки юртимизнинг ўнлаб таниқли қаламкашлари қадами етган, кўпга ижодий суҳбатларга, самимий хангомаларга

остини чопиш, ариқ олиш, кейин шўра хомтоқ, гўра хомтоқ, сўғориш, озиклантириш – ҳосилни йиғиб бўлган, чала кесув, сўнг тўла кесув... Хуллас, тўққиз ой боғбонларнинг қўли ишдан бўшамайди. Бу юмушлардан ҳеч қачон нолимайми. Бу боғлар бобомерос. Меросга эса хиёнат қилинмайди. Бир ой узум сотиш асносида ҳамма чарчоқлар унут бўлади. Кўнгилдаги ширин оруз-ҳаваслар куртаклайди. Туйлар тарадудди бошланиб кетади.

Бир қўлида ток қайчи, бир қўлида қалам билан умри ўтаётган устознинг ҳижоюсини тингла эканмиз, ҳазиломуз сўрадик:

– Собир ака, “ҳосилни сотсак, чарчоқлар чиқиб кетади” деяпсиз. Каттагина боғингиз бор, сир бўлмаса, бир йилда қанча даромад оласиз?

– Шу богда тўққиз ой астойдил ишласанг, болишдек романинг бўлсаям чўчимай нашрга топширавур! Битта ҳосилнинг пули етади...

– Шунақа денг. Собир ака, телефонда гаплашганимизда: “Кеча йиғилишда яна битта зўр гап бўлди-да”, дедингиз. Нимани назарда тутгандингиз?

– Пискент тумани марказида пахта тозалаш заводи бор. Ундан чиқаётган чанг-тўзон аҳолининг норозилигига сабаб бўляпти. Уша йиғилишда Жўрақул ака Отақулов деган фахрийимиз шу муаммони кўтарди. Юртбошимиз эса шу дақиқанинг ўзидаёқ ярим асрдан бери халқни қийнаб келаётган муаммони ҳал қилиб берди: корхона туман марказидан четга қўчирилди, янги шахримиз маркази эса



осмони мусаффо, ям-яшил дарактлар бағридаги гўзал гўшага айланган бўлди.

**ДЕҲҚОН БИР ЙИЛДА ҚАНЧА
ДАРОМАД ТОПАДИ?**

Юртбошимиз иштирокидаги йиғилишда камбағалликни қисқартириш масаласи алоҳида таҳлил қилинган бежиз эмас.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 63 мингта камбағал оила қолган бўлиб, уларнинг 190 минг нафар аъзолари меҳнатга лаёқатли. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида келаси йили вилоятда 116 минг одамни камбағалликдан олиб чиқиш режалаштирилган.

**ОСТАНОДАГИ
ОЛТИНЧИ ҲОСИЛ**

– Президентимиз йиғилишида Пискент аҳлини уddaбурон, омилкор одамлар деб, мақтаганларида дуплимни осмонга отиб, қичқириб юборгим келди, – давом этади суҳбатдошимиз. – Бошимизда шундай одил ва оқил Юртбошимиз, деҳқончилик илмини дунёга ўргатишга қодир халқимиз бор. Бундай одамларнинг қадрига етиб, уларга елкадош бўла оласак, Ўзбекистонимиз дунёдаги энг ривожланган юртга айланмайдими?

Абдужалил ака кўз олдимизда бир йилнинг велоспидига янги қирқилган ток қаламчаларидан маҳкамлаб боғларкан, уларга ишора қилиб деди:

– Катта мажлисда ҳокимбуваимиз мингтепалликлар беш марта ҳосил олади, деб тағинам ҳамма “сир”ларимизни очиб ташламади. Мана булар – остонамиздан чиққан олтинчи ҳосил бўлади, ака!

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар